

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ****Кучкаров Шерзод Русланбекович***Ички ишлар вазирлиги Юридик таъминлаш бошқармаси бош юрисконсулти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада замонавий ички ишлар органларининг вазифалари, уларнинг мамлакатимизда демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни ва ролига алоҳида тўхталиб ўтилган ҳамда республикаимизда жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини таъминлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларига оид таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч тушунчалар:** Репрессив, жазоловчи орган, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, “республика – вилоят – туман – маҳалла” тизими, жинойт ўчоқлари, дастурий-техник таъминот ва электрон қурилма.

Ички ишлар органлари давлат ривожланишининг барча даврларда ҳар қандай давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

Собиқ Совет даврида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳукмрон элита ва халқ манфаатлари ўртасидаги тафовутнинг доимий равишда чуқурлашишига, бу эса шу даврнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мавжуд тузилмаларнинг таянчи бўлиб, репрессив, жазоловчи орган сифатида ҳаракат қилган.

Ҳозирги кунда эса, жамият ўзгармоқда, давлат томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатдан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юклатилаётган вазифалар ҳам ўзгармоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳозирги кунда олдида турган асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлик тизимини яратиш, зўравонлик, шавқатсизлик ва терроризм ҳамда экстремизмни озиқлантирувчи барча ёт ғояларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳисобланади.

Ички ишлар органларига мамлакатимиз ички сиёсатини амалга оширишда муҳим вазифалар юклатилган, унинг фаолияти, ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияимизнинг XXI бобида мустаҳкамлаб қўйилган, шу билан бирга, Конституция асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида ҳам ички ишлар органларига алоҳида вазифалар юклатилган.

Жумладан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 2-моддасида ички ишлар органларининг асосий вазифалари этиб фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун

устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикадан иборат эканлиги белгиланган.(1)

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали иш фаолиятни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилди.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев илгари сурган **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган ғоя давлат сиёсатида устуворлик касб этмоқда.(2)

Давлат раҳбари томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органларига бир қатор вазифалар юклатилди, хусусан: ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг янги механизмлари белгиланиб, маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб этиш, “республика – вилоят – туман – маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштириш вазифалари қўйилди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари Франция, Норвегия, Хитой, Германия ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларнинг ҳуқуқ тузулмалари фаолияти ўрганилганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар замонавий янги техникалар билан таъминлангани, жамоат жойлари видеокузатув мосламалари билан қамраб олингани жамоат хавфсизлигини таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, мазкур давлатларда қонун устуворлигини таъминлаш деганда – жамият, давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ўзаро

жавобгарлигини билиши ва унга онгли равишда амал қилиши қонунчилик ҳужжатларида белгиланганлиги тушунилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ривожланган ҳуқуқий демократик давлатларда давлат ўз фуқароларидан нафақат ишонч, балки муайян фуқаролик фазилатларининг намоён бўлишини ҳам кутади. Фуқаролар ўзлари учун фақат қонунларга риоя қилишнинг ўзи етарли эмас, балки давлат томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш ва бунда ўзларини масъул бўлишлари зарур деб ҳисоблайдилар. Улар қонун устуворлигини таъминлашда ўз фуқароларига сиёсий ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқини бермайди, балки баъзи ҳолларда бу ҳуқуқни бурч сифатида белгиланганлиги билан изоҳланади.

Юқорида келтириб ўтилганлар замонавий демократик давлат ва жамиятда ички ишлар органларининг ролини ҳар томонлама умумий назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Замонавий ички ишлар органларининг вазифалари жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юзага келадиган муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг мустақил механизми сифатида баҳолашга янги, аниқ ва мақсадли ёндашувини ишлаб чиқишида деб ҳисобласак ўринли бўлади. Ушбу механизмлар қуйидагилар билан белгиланади:

ички ишлар органларининг давлат механизмидаги ўрни ҳақидаги янги маълумотларни ўрганиш;

мавжуд ҳуқуқий тизимларга қараб, ички ишлар органларининг фаолияти қайси тузилмага киритилишини аниқлаш;

ички ишлар органлари концепциясини аниқлаш;

ички ишлар органлари фаолиятини назорат қилиш механизмларини асослаш;

хорижий давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тартибга солишга масъул идоралари билан ҳамкорликни яхшилаш;

ички ишлар органлари тузилмаларида ҳуқуқни тўғридан-тўғри қўллаш амалиётидаги бўшлиқларни тўлдириш.

Мазкур механизмларни амалга ошириш ёки тузилмаларнинг фаолиятини аниқлаштириш орқали ички ишлар органлари фаолиятини назорат қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ички ишлар органларининг халқ билан бевосита мулоқотга киришишида албатта уларга нисбатан инсонларнинг ишончи ортиши муҳим омил ҳисобланади. Бунда, албатта, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда патруль-пост хизмати тузилмаларининг ўрни ва ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади. Негаки, улар фаолиятида учрайдиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Маълумот учун, ички ишлар органларининг амалдаги тартибига кўра, патруль-пост хизмати ходимлари ўзи аниқлаган маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва воқеа тафсилотларини расмийлаштириш учун патрулик йўналишидаги ҳудудларни номаълум муддатга ташлаб кетишга (хизмат олиб бориш вақтининг сезиларли даражада самарали бўлишига) ҳамда ҳуқуқбузар фуқарони мажбурий тартибда ички ишлар органига келтиришга ҳамда профилактика инспекторига топширишга тўғри келмоқда.

Бундай тартиб фуқаролар учун ҳам сунъий равишда ноқулайликлар ва зиддиятларни туғдиришга ҳамда турли эътирозларга сабаб бўлишига олиб келмоқда.

Шунингдек, профилактика инспектори хизмат вазифалари юзасидан таянч пунктида доимо бўла олмаслиги ёки ички ишлар бўлимларининг навбатчи хизматларидан ташқари тунги вақтда ишламаслиги туфайли айрим ҳолларда ҳуқуқбузарликларга тегишли тартибда ҳуқуқий баҳо берилмай қолмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш орқали патруль-пост хизмати ходимларига тўғридан-тўғри хизмат олиб бориш ҳудудида аниқланадиган ва расмийлаштириш учун махсус билимларга эга бўлиш талаб этилмайдиган маъмурий ҳуқуқбузарликни жойида махсус дастурий-техник таъминот ўрнатилган электрон қурилма (планшет) ёрдамида ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини бериш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ошишига эришилади.

Шунингдек, юқорида келтириб ўтилган таклифлар орқали ички ишлар органлари тегишли хизматлари, биринчи навбатда, профилактика инспекторларининг иш юкламаси жиддий тарзда камаяди, ҳуқуқбузарлик ҳолатини расмийлаштириш бир босқичда амалга оширилади ҳамда фуқаролар учун сунъий равишда ноқулайликлар ва зиддиятлар келтириб чиқаришнинг олди олинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ–407-сон Қонуни. WWW.Lex.uz;
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2016/10/22/islohotlar>.